

Имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / Олти саҳиҳ имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / 188-ҳадис

188 - عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي قَتَادَةَ، قَالَ: انْطَلَقَ أَبِي مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَامَ الْحَدِيثِ، فَأَحْرَمَ أَصْحَابُهُ وَلَمْ يُحْرِمِ، وَحَدَّثَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، أَنَّ عَدُوًّا بَغِيْقَةً، فَانْطَلَقَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، قَالَ: فَبَيْنَمَا أَنَا مَعَ أَصْحَابِهِ، يَضْحَكُ بَعْضُهُمْ إِلَى بَعْضٍ، إِذْ نَظَرْتُ، فَإِذَا أَنَا بِحِمَارٍ وَحَشٍ، فَحَمَلْتُ عَلَيْهِ، فَطَعَنْتُهُ فَاتَّبَعْتُهُ، فَاسْتَعْنَتْهُمْ فَأَبَوْا أَنْ يُعِينُونِي، فَأَكَلْنَا مِنْ لَحْمِهِ، وَحَشِينَا أَنْ تَفْتَطَعَ، فَانْطَلَقْتُ أَطْلُبُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَرْفَعُ فَرَسِي شَأْوًا وَأَسِيرُ شَأْوًا، فَلَقَيْتُ رَجُلًا مِنْ بَنِي غِفَارٍ فِي جَوْفِ اللَّيْلِ، فَقُلْتُ: أَيْنَ لَقَيْتَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ؟ قَالَ: تَكُنْتُهُ بِنَعِيْنٍ وَهُوَ قَائِلٌ السُّفْيَا، فَلَحِقْتُهُ، فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّ أَصْحَابَكَ يَفْرُءُونَ عَلَيْكَ السَّلَامَ وَرَحْمَةَ اللَّهِ، وَإِنَّهُمْ قَدْ حَشُوا أَنْ يُفْتَطَعُوا دُونَكَ، فَانْتَظِرْهُمْ، فَانْتَظِرْهُمْ، فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنِّي أَصَدْتُ وَمَعِيَ مِنْهُ فَاضِلَةٌ، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِلْقَوْمِ: «كُلُوا»، وَهُمْ مُخْرَمُونَ.

[خ 1821، م 1196، ت 847، س 2816، د 1852، ج 3093].

Абдуллоҳ ибн Абу Қатода сўзлаб берди:

«Худайбия йили отам Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга йўлга тушибди. Шериклари эҳром боғлашибди, лекин ўзи эҳром боғламабди. Кейин Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга душманнинг Ғайқада экани айтилибди. Шунда у зот йўлга тушибдилар».

(Абу Қатода) шундай дейди: «Мен у зотнинг саҳобалари билан бирга эдим. Улар бир-бирларига қараб, кулишди. Қарасам, рўпарамда бир ёввойи эшак турибди. Дарҳол унга ҳамла қилиб, (найза) санчиб, йиқитдим. Улардан ёрдам сўраган эдим, менга ёрдам беришга кўнишмади. Кейин унинг гўштидан едик, бироқ (душман келиб қолиб, у зотдан) ажралиб қолишдан қўрқдик. Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни излаб йўлга

тушдим. Отимни гоҳ чоптирар, гоҳ йўрғалатар эдим. Ярим тунда Бану Гифорлик бир кишини учратиб, «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни (охирги марта) қаерда учратдинг?» дедим. У: «У зотни Таъҳинда* кўрдим. (Ҳозир) Сукёда* қайлула қияптилар», деди. У зотга етиб олдим ва: «Эй Аллоҳнинг Расули! Саҳобаларингиз сизга салом ва Аллоҳнинг раҳматини айтиб юборишди. Улар сиздан ажраб қолишдан қўрқишмоқда. Уларни кутиб туринг!» дедим. У зот уларни кутиб турдилар. Кейин: «Эй Аллоҳнинг Расули, мен ов қилган эдим, ёнимда ундан (гўштидан) ортгани ҳам бор», дедим. У зот одамларга: «**Еяверинглар**», дедилар. Ҳолбуки улар эҳромда эдилар».

Имом Бухорий, Муслим, Термизий, Насаий, Абу Довуд ва Ибн Можа ривоят қилишган.

* Таъҳин - Макка йўлидаги, Сукёдан уч мил масофада жойлашган булоқ.

* Сукё - Макка билан Мадина ўртасида жойлашган катта бир қишлоқ.

Изоҳ: Қадимда арабларда «ал-ҳимаарул-вахший», яъни ёввойи эшак деб аталган бу жонивор сут эмизувчилар оиласига мансуб бўлиб, кийикка ўхшаш, лекин шохсиз, оқ тусли, бўғзи қора ов ҳайвони бўлган. Тадқиқотчиларнинг айтишича, ҳозир бу ҳайвон йўқолиб кетган.

Саҳиҳул муслимда Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумодан қуйидагича ривоят келтирилган:

«Хайбар кунлари от ва ёввойи эшаклар гўштидан едик. Кейин Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бизни хонаки эшакдан қайтардилар».

Манба: hadis.islom.uz

